

ПАРЕМИЯЛАРНИНГ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЖАХОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ЎРГАНИЛИШИ

Асронова Мохигул Мусабоевна

Андижон давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6093960>

Фразеологияга йўналтирилган ёндашув тарафдорлари – В. Кунин инглиз тилининг фразеологик фондида мақол ва маталларни ўз ичига олади, чунки бу бирликлар фразеологик барқарорликка эга эканлигини таъкидлайди.¹ Бу ҳолат янада асосли кўринади. Паремияларнинг асосий тури мақоллар ҳисобланади.

А. И. Смирницкий тил тизими мақолларни ўз ичига олади, чунки улар лингвистик бирликлар сифатида ҳаракат қилади, зеро, улар фикрнинг янада ёрқин ва образли ифодаси учун восита сифатида қайта ишлаб чиқилган, аммо улар ҳали тил бирликларининг характерида эга эмас, улар фольклор ва адабиётга тегишли деган эди.² Г.Л.Пермяков мақол ва ҳикматли сўзлар бир томондан, оддий фразеологик бирликларга ўхшаш тил ҳодисаларидир, деб таъкидлайди; бошқа томондан-муайян мантикий бирликлар – ҳукмлар, ҳулосалар ва учинчи-воқелик фактларини аниқ акс эттирувчи бадий миниатюралар, деган фикрни илгари суради.³

И.И.Чернышева фразеологиянинг икки асосий хусусиятини таъкидлаб, мақолларни фразеологик иборалар билан боғлайди: 1) компонент таркибининг ягона комбинативлиги; 2) семантик трансформациянинг ўзига хос тури: бу бирликлар "тегишли тасвирни реинтерпретация қилиш орқали ифодаланган" дидактик маъно билан тавсифланади⁴.

Н.М.Шанский уларни тилнинг фразеологик фондида ўз ичига олади, чунки фразеологияда "сўзга тэнг сўзларнинг барқарор комбинацияси ва жумлаларни семантик ва тизимли равишда ифодаловчи сўзларнинг барқарор комбинацияси, яъни истисносиз барча такрорланадиган бирликлар", деган фикрга келади⁵. Замонавий паремиология ўз ривожланишини давом эттирмоқда. Мақолларни ўрганишда тўртта ёндашув мавжуд: функционал, структур, когнитив ва лингвокултурологик. Функционал ёндашув тил бирлигининг семантикаси ва шаклини уларнинг матн тузиш функцияси нуқтаи-назаридан кўриб чиқади. Бундай ёндашув доирасида мақоллардаги турли лисоний воситалар – лексик, грамматик, синтактик вазибалари ўрганилади. Таҳлил тил бирлиги шаклидан унинг матн ҳосил қилувчи функциясига қараб амалга оширилади.

¹ Кунин, А. В. Фразеология современного английского языка / А. В. Кунин, Москва : Издательство «Международные отношения», 1972. - 288 с.

² Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. –М., 1956, п. 16-17

³ Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки. М.: Наука, 1970. - 240 с.

⁴ Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. М.: Высшая школа, 1970. –С.46.

⁵

Паремияларни когнитив-прагматик аспектда ўрганиш уларнинг ифода имкониятларини намоён этади. Айниқса, сиёсий дискурсда паремияларнинг иштирокини таҳлил қилиш, публицистик услубдаги матнларда мақол, матал, ибора ва ҳикматли сўз – афоризмларнинг қандай прагматик маъно ифодалаётганини илмий текшириб кўриш лозим.

Barton Swaim is author of [*"The Speechwriter: A Brief Education in Politics"*](#) and a contributing columnist for *The Post*.

Here's a general rule of political language: Lines generated to accomplish political objectives aren't much help in the realm of governance. Even the most memorable ones, having accomplished their original purpose, become useless almost instantly. John F. Kennedy's famous antimetabole about negotiation, for example — ["Let us never negotiate out of fear, but let us never fear to negotiate"*](#) — nicely preempted criticisms of a new administration's foreign policy. But how useful is it as a principle, really? Another line that pops up again and again in U.S. policy debates is Ronald Reagan's famous dictum, **"Trust, but verify."** (New York Times) Доверяй, но проверяй. Ишон ва текшир.*

Бу мисолда паремия ўзгартирилмайди. Улар ҳиссий изоляция вазифасини бажаради. У ёки бу олинган маълумотларни шарҳлаб, ўқувчи уни ўз ақидалари ва ҳиссий мулоҳазалари призмаси орқали баҳолайди. Мақол ва маталлар, прецедент гаплар бўлиб, она тили учун эмоционал қийматни ифодалайди, улар вазиятга муносабат билдиради, унга баҳо беради, шу билан матнга эмоционал урғу қўяди.

Амалий материални ўрганиш жараёнида паремияларни қўллаш билан фразеологик жиҳатдан бой контекст энг катта қизиқиш уйғотади, деган хулосага келинди. Паремик бирликлар матнда кўтарилган муаммога муаллифнинг муносабатига эътибор қаратади. Паремиялар, аввало, мақоллар маълум умумлашмани ифода этади, шунинг учун улар умумлаштирувчи восита, яъни алоҳида қисмлар ёки умуман матн маъносини қисқача баён қилиш воситаси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Улар ахборот юкини камайтириш, матннинг энг муҳим қисмларини таъкидлаш ва семантик элементлар ўртасидаги алоқаларни ташкил этишни соддалаштириш вазифасини бажаради, чунки мақолалар, фикрни аниқ, тушунарли ва лўнда ифодалаш имконини беради.

Тадқиқот мақсадларини амалга ошириш ва назарий таклифларни илгари суриш учун паремик семантиканинг когнитив-прагматик тавсифи усули ишлаб чиқилди, паремиилогик материалга мослаштирилган қуйидаги таҳлил методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) компонентли анализ ва компонентли синтезни интеграллаш иборали комбинаторика техникасини (Н. Ф. Алефиренко) когнитив ва паремик тузилмаларнинг семантик таркибининг ўзаро таъсирини аниқлаш усули;
- 2) паремик маънонинг когнитив-дискурсив моҳиятини аниқлаш учун ишлатиладиган паремик семантикани когнитив-дискурсив таҳлил қилиш усули;
- 3) лисоний бирликларнинг дискурсив табиатини тушунишга қаратилган паремияни махсус матнли тизим сифатида функционал-семантик таҳлил қилиш усули;
- 4) семантиканинг функционал ва маданий таҳлил усули;
- 5) лингвистик ва когнитив тузилмаларнинг табиий алоқаларини белги ва олдиндан белги билан аниқлаш учун таклифли моделлаштириш усули; паремиянинг

лингвосемиоз босқичларини иккиламчи номинация бирликлари сифатида ифодаловчи моделлар, превербал билиш фаолияти;

б) паремик маънонинг когнитив асосини аниқлашга мўлжалланган когнитив-прагматик моделлаштириш усули ва мақол, топишмоқ ва белгиларнинг лисоний ва маданий аҳамияти ва салоҳиятини аниқлаш.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда соф лингвистик, фолклористик ва эмпирик ёндашувлар билан бирга, когнитив тилшунослик ва нутқ назарияси каби фанларнинг ютуқлари мақол ва маталлар фани соҳасига фаол кириб келмоқда. Тилшуносликнинг вазифаларига, албатта, тилнинг ўрни ва унинг инсон фаолиятининг турли вазиятларига таъсир чораларини аниқлаш кирилади. Когнитив ёндашув доирасида тил билиш билан боғлиқ деб қаралади, яъни унинг инсон томонидан ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларидаги ролини тушунтиришга ҳаракат қилинади. Шунингдек, гап таҳлил қилиш учун тил маълумотларни олиш муҳим аҳамиятга эга. Тил бирликларини когнитив-дискурсив нуқтаи назардан ўрганиш, жумладан, мақол ва ҳикматли сўзлар, уларнинг билиш жараёнида ва мулоқот жараёнидаги ролини аниқлаш демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка: Учебное пособие для вузов по специальности «Русский язык и литература». СПб.: Специальная литература, 1996. - 192 с.
- 2.Ожегов, С.И. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений [Текст] / С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова / Рос. акад. наук, Ин-т рус. яз. им. В.В. Виноградова. - 4-е изд., доп. - М.: АСТ, 2007.
- 3.Кунин, А. В. Фразеология современного английского языка / А. В. Кунин, Москва : Издательство «Международные отношения», 1972. - 288 с.
- 4.Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. -М., 1956, п. 16-17
- 5.Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки. М.: Наука, 1970. - 240 с.
- 6.Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. М.: Высшая школа, 1970. - С.46